# «МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

MIKROKREDITBANK

## акциядорларини, мижозларини ва барча юртдошларимизни НАВРЎЗ АЙЁМИ билан муборакбод этади.

*«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, касаначилик — бир сўз билан айтганда, кичик бизнес билан шуғулланаётган тадбиркор аёлларга, ёш оилаларга бошланғич сармояни шакллантириш, айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратади.*




### ТАКЛИФ СИЗДАН — САРМОЯ БИЗДАН

**«Микрокредитбанк» пластик карточкалари:**

— маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, машинага ёқилғи қуйиш шахобчаларида, уяли алоқа компанияларида ва ҳатто метрополитенда тўловларни амалга оширишда, шунингдек, савдо шахобчаларидан моллар харид қилишда қулай тўлов воситасидир.

— сизни кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишларидан халос этади.

— сизга ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларидан нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади.

**Пластик карточкалардаги пулларингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпая боради.**
**Пластик карточкадан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин.**
**Пластик карточкалар йўқолганда қолган маблағларингиз янгисига ўтказиб берилади.**
**«Микрокредитбанк» пластик карточкаларидан фойдаланинг!**

*«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки Сизнинг даромадларингизни кўпайтириш учун йиллик 30 фоиз даромад келтирадиган янги, қулай ва жозибали* **«ЁШЛИК»** *номли муддатли жамғарма омонат турини жорий этди.*

*Омонат мижозларнинг истак ва талабларига қараб* **1, 3, 6, 9, 12, 15** *ой муддатга қабул қилинади.*

**«Ёшлик»** *муддатли омонатининг фоизлари мижозларнинг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб борилади.*

***«Микрокредитбанк»*** *акциядорлик тижорат банкининг фоизлари олинмаган ҳолда омонатга қўшиб бериладиган, яъни капитализация қилинадиган йиллик 28 фоизли —* ***«Тақдим этувчига»***, ***«Зафар»*** *ва* ***«Навбаҳор»*** *номли омонат турлари ҳам* ***Наврўз*** *байрами арафасида мижозларнинг жамғарилган маблағларини қабул қила бошлади.*

*Яқинда очилган йиллик 28 фоизли* ***«Коммунал люкс»*** *жамғарма омонатининг фоизлари эса коммунал хизмат тўловлари учун йўналтирилади.*

*Айни кунларда* ***«Микрокредитбанк»*** *акциядорлик тижорат банкида турли қулайлик ва афзалликларга эга бўлган жами 22 турдаги омонатлар мавжуд.*

**Омонатга қўйилган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:**

**273-28-11, 273-04-40, 273-33-25**
**100096. Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси — 14.**

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

# «ФАРҒОНАПАХТАСАНОАТ»

## ҳудудий акциядорлик бирлашмаси жамоаси

**бунёдкор халқимизни, барча юртдошларимизни, пахтани қайта ишлаш тизими ходимларини, деҳқону фермерларни баҳорнинг энг гўзал, бетакрор байрами —**

## *Наврўзи олам билан*

**чин қалбдан табриклайди.**



**Барчага мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, юртимиз шуҳратини янада ошириш йўлидаги ишларингизда омадлар тилайди.**



## *Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!*

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
TURON BANK

ОМОНАТЧИ ва МИЖОЗЛАРИНИ баҳор айёми «НАВРЎЗИ ОЛАМ» билан муборакбод этади.

Турон банк мижозларнинг омонатга қўйилган пул маблағлари сир сақланишини кафолатлайди.

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.





Омонатга қўйган маблағларингиз ҳисобига олинган даромадингиз солиққа тортилмайди.

BANK XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ
## ХАЛҚ БАНКИ

*Республикамиз аҳолисини муқаддас, уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, мурувват ва саховат рамзи — «Наврўз» айёми билан самимий муборакбод этади.*

Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, оилангизга бахт-саодат, дастурхонингизга қут-барака тилаган ҳолда ҳар томонлама манфаатли бўлган банкнинг қуйидаги янги омонат турларига ортиқча маблағингизни қўйиб қўшимча даромад олишни тавсия этади:

**«БАҲОР ҚУВОНЧИ»** — ютуқли, сақлаш муддати **3 ой**,
бошланғич бадал **20 000 сўм.**

Омонатчи белгиланган фоиз даромадларини олиш билан бир қаторда **1 000 000 сўм ютуқ эгаси бўлиш** имкониятига эга.

**«ТАКДИМ ЭТУВЧИ»** — муддатли, сақлаш муддати **3,6,9,12 ой**,

фоиз даромади — йиллик **30 фоиз.**

Бошланғич бадал **200 000 сўм.**
Фоиз даромадини ҳар ойда олиш имкониятига эгасиз.

**«БАРҚАРОР»** — муддатли, сақлаш муддати **6 ой,**

фоиз даромади — йиллик **30 фоиз.**

Бошланғич бадал **200 000 сўм.**

фоиз даромади ҳар ойда ҳисобланиб омонатини биринчи талаби бўйича берилади.

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН




**Сурхон воҳасини илк аждодлар бешиги деб аташга етарли асослар бор. Бойсундаги Тешиктош ғоридан топилган неандерталь одамнинг калла суяги, тош ва суякдан ясалган меҳнат, ов қуроллари, Шерободдаги Зараутсой қоятошларига 20-30 минг йиллар муқаддам солинган рангли суратлар, бронза даврига оид Сополлитепа, Жарқўтон, кейинги даврларга мансуб Далварзинтепа, Холчаён, Зартепа, Фаёзтепа, Қоратепа, Дунётепа, Болаликтепа, Зурмала ёдгорликлари, кўпгина тарихий обидалар бунинг яққол исботидир.**

# УЛУҒ АЖДОДЛАР ЗАМИНИ

Қадимги Бақтрия, Юнон-Бақтрия, Кушон, Тохаристон, Чағониён, Шарқий Бухоро каби турлича номланган бу заминда инсониятнинг илк ёзма манбаларидан бири «Авесто» яратилган.



Маънавиятимиз жонкуярлари

Филология фанлари номзоди, адабиётшунос Муҳаммад Азимовнинг яқинда чоп этилган «Сурхондарё ижодкорлари» тазкирасида Сурхон замини кўплаб ижодкорларга ҳам бешик бўлганлиги алоҳида қайд этилиб, IV асрдан XX аср бошларигача Сурхондарёда ижод қилган 80 нафар шайхлар, олиму шоирлар, хаттот ва мусаввирлар ҳаёти, ижодий фаолияти, асарлари тўғрисида сўз юритилган. «Олис юлдузлар шуълалари» сарлавҳаси билан 48 нафар, XIX-XX аср бошларида шу ерда яшаб, ижод этган 18 нафар қалам аҳлининг номлари қайд қилинган.

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят ҳамда Термиз шаҳар кенгаши, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Термиз академик лицейида китоб муаллифи, «Сурхон тонги» газетаси бош муҳаррири Муҳаммад Азимов билан учрашув кечаси ташкил этилди. Учрашувда сўз олган Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси Даврон Ғуломов ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён қилди:

— Сурхондарё журналистлари орасида газета ишидан ташқари бадиий ижод ва илмий ишлар билан шуғулланаётганлар талайгина. Муҳаммад Азимов кенг даврада ижод қилувчи журналистлар сафидан муносиб ўрин эгаллаган қаламкашлардан бири десам, янглишмайман. Ҳозиргача унинг «Термиз тарихи», «Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти», «Эл ўғли», «Сурхондарё ижодкорлари» номли китоблари дунё юзини кўрди. Бу китобнинг қиммати шундаки, ундаги кўпгина ижодкорларнинг номи шу пайтгача кенг davраларда бирон марта тилга олинмаган.

Ижодкор билан учрашув кечасида сўз олган ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Абдулла Холмирзаев, Термиз академик лицейи директори ўринбосари Шокир Сатторов, ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши раиси Дилфуза Ражабова, талаба ёшлардан Раъно Худойқулова ва бошқалар ушбу тазкира-китоб маънавиятимизга қўшилган муносиб туҳфа эканлигини таъкидладилар.

**Жуманазар АНОРОВ,**
**«Миллий тикланиш» мухбири.**

UZ DONGJU PAINT

# «УЗ-ДонгЖУ Пэинт Ко»

ROYAL
UZ-DONGJU PAINT COMPANY

**кўшма корхонаси**

мамлакатимиз аҳолисини
Наврўз айёми билан табриклайди.

Шодликлар элчиси –
баҳорнинг ранго-ранг
жилолари қалбларга
хушнудлик бахш этаверсин!




# «ЯНГИЙЎЛ ЁҒ-МОЙ»

**ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР ИШТИРОКИДАГИ
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**

**жаннатмакон юртимиз аҳолисини, деҳқону фермерларни,
ўз ҳамкорлари ва акциядорларини
меҳр-оқибат, инсонпарварлик байрами –**

## Наврўзи олам билан

**чин дилдан самимий муборакбод этади.**



*Сизларга узоқ умр,
сиҳат-саломатлик,
ишларингизда улкан
ютуқлар тилайди.
Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо,
элимиз дастурхони
ҳамиша тўкин бўлсин.*



**Айём қувончлари
сизларни
асло тарк этмасин.**



***Малакали мутахассислар тайёрлаш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Шу боис ҳам коллежимизда етук, иқтидорли кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилаётир. Юртимизда истиқлол йилларида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади. Янгидан бунёд этилган ёки капитал ва жорий таъмирланиб, замонавий кўринишга эга бўлган билим даргоҳлари билан шаҳару қишлоқларимиз тобора чирой очиб бормоқда. Улардаги таълим-тарбия жараёнлари ҳам шунга яраша ижобий томонга ўзгараётир.***

# КАМОЛОТГА ЭЛТАР БУ ЙЎЛЛАР

Айниқса, ёш авлоднинг касб-ҳунарли бўлиши масаласига катта эътибор берилмоқда. Ўқув масканимиз тарихига бир назар ташласак ҳам бу нарса ойдинлашади. Кейинги йилларда билим даргоҳимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, янги йўналишларнинг ташкил этилиши, амалиёт хоналарининг зарур асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория анжомлари билан таъминланиши, айниқса, кутубхона тизими ўрнига ахборот-ресурс марказининг вужудга келиши бунинг ёрқин мисолидир. 1980 йилда ташкил этилган Муборак индустриал техникумига 1995 йилга келиб Муборак техника иқтисодиёт коллежи мақоми берилди. Билим юрти 2000 йилда капитал таъмирдан чиққач, касб-ҳунар коллежига айлантирилди. Ҳозир бу ерда нефть ва газни қайта ишлаш, назорат ўлчаш асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш, бухгалтерия ҳисоби, молия, ҳуқуқшунослик, тикувчилик ишлари, ЭҲМда ишлаш, бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, транспортда ташишни ташкил этиш ва ҳаракатни бошқариш каби йўналишлар бўйича талабаларга сабоқ берилмоқда.



Кундузги бўлимда 1310 нафар талаба таҳсил олади. Уларга 65

**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – амалда**

нафар тажрибали педагог-муҳандислар турли фанлардан таълим бериб келишмоқда. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Улар ўз мутахассисликлари бўйича ўқиш билан бирга компьютер сабоқларини ҳам мукаммал ўрганишмоқда. Замон талабларига жавоб берадиган ўқув-лаборатория хоналарида эса ўрганганларини синовдан ўтказишади. Тикувчилик йўналиши бўйича таҳсил оладиган ёшлар учун ҳам дарслар амалиёт билан биргаликда олиб борилади.




Талабалар коллежимиздаги имкониятлардан оқилона фойдаланиб, турли тадбирларда, фан олимпиадаларида ҳам фаол иштирок этмоқда. Очиқ ва ёпиқ спорт майдонлари ёшлар ихтиёрига берилган. Кўпчилик талабаларимиз «Қувноқлар ва зукколар» клубига аъзо бўлишган. Коллежда маркетинг хизмати намунали йўлга қўйилган. 480 нафар талаба ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил олади. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, уларнинг ҳам назарий, ҳам амалий билимлари мустаҳкам бўлишида Рўзиқул Сиддиқов, Алишер Аҳмедов, Пароғат Ҳамраева, Ёқутой Жумаева, Муқаддам Бобирова, Ғайрат Абдуллаев, Шойназар Бегматов сингари жонкуяр, ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчиларнинг хизмати катта бўлаётир.

Ўқувчиларнинг кўп вақти билим даргоҳида ўтади. Уларнинг бўш вақтини унумли ташкиллаштириш — асосий мақсадимиз. Ёшлар билан синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар режаси пухта ишлаб чиқилган. 17 та фан, 5 та спорт тўгаракларимиз ишлаб турибди. Педагогик жамоамиз ижарада яшовчи талабаларга ҳам алоҳида эътибор беришади. Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига баҳоликудрат ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келинмоқда.

Янги педагогик технологиялар асосида сабоқ олаётган ёшларга ҳар жиҳатдан ҳавасингиз келади. Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ҳам мамлакатимиз ёшларига берилаётган катта эътибор намунасидир. Уларнинг, юртимизнинг порлоқ келажаги ҳам илм-маърифатдадир. Маърифатга тобора интилганимиз сари келажагимиз нурли ва порлоқ бўлаверади. Билим даргоҳимиз эса ёшларни камолотга элтувчи маскандир.

Жамоамизда тажрибали устозлар билан бирга изланувчан, ғайратли ёш мутахассислар ҳам анчагина. Ёшлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилгани боис уларнинг ишончини қозониб бораяпмиз. Боғбон умид билан ниҳол экади, парваришлайди, куни келиб меҳнатига яраша кутилган ҳосилни олади. Таълим-тарбия жараёни ҳам қайсидир маънода боғбоннинг ишига ўхшаб кетади. Бизнинг ниҳолларимиз ҳам ўз меваларини беради, албатта.

**Чори МАҲАДОВ,**
**Муборак саноат коллежи директори, иқтисод фанлари номзоди.** ®

**● 2008 йил — Ёшлар йили**

***Хушхабарнинг қаноти бўлади, дейдилар. Педагогика йўналишидаги янги коллеж ишга туширилгани тўғрисидаги хабар ҳам тез орада Когон шаҳри ва туманнинг турли чеккалари бўйлаб тарқалди. «Миркулол» хусусий қурилиш трести томонидан қарийб 2 миллиард сўмлик лойиҳа асосида 540 ўринга мўлжаллаб қурилган мазкур ўқув даргоҳига биринчи йилнинг ўзида 450 нафардан ортиқ ўқувчи қабул қилинди.***

# БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАР МАСКАНИ

Коллеж директори Гулбаҳор Ёдгорованинг кўп йиллар мобайнида орттирган раҳбарлик ва ташкилотчилик тажрибаси қўл келмоқда. Ўқув-тарбиявий ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари Зулхумор Аҳмедова ва Фароғат Қодирова ҳам малакали педагоглар. Коллеж жамоаси нафақат вилоят, балки республика миқёсида ҳам эътироф этилган устоз-мураббийлардан таркиб топган.

Қисқа вақтда барча замонавий жиҳозлар ўрнатилиб, ўқув-тарбия жараёнлари кўнгилдагидек олиб борилаётган илм даргоҳида бир қатор кўрик-танловлар, семинар ва анжуманлар ҳам ташкил этилди. Яқинда бўлиб ўтган «Баркамол шахс шаклланишида тарбиянинг узвийлиги» мавзуида ўтказилган учрашув бўлғуси педагогларда катта таассурот қолдирди.

Истеъдодли, иқтидорли талабалар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Ўқув йилининг биринчи ярим йиллигидаёқ Феруза Содиқова, Маҳлиё Шарипова, Насиба Ҳайдарова ва Дилдора Сатторова илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги ҳамда фаоллиги билан тенгқурларига намуна бўла бошлади.



Шунингдек, коллежда спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Лайло Отабоева раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган 6 та тўгаракда 200 нафардан ортиқ ёшлар билан машғулотлар олиб борилмоқда. Талабалар орасидан шаҳар ва вилоят чемпионлари етишиб чиқаётганлиги ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Ўқув даргоҳи қизлар гуруҳининг минифутбол бўйича вилоятда 4-ўринни эгаллагани жамоани қувонтирди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганлардан ҳам аён бўладики, янги ташкил этилган Когон педагогика коллежи нафақат ёшларнинг севимли маскани, балки барча когонликларнинг эзгу умид ва мақсадлари маёғига айланиб бораётгани шубҳасиз.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**«Миллий тикланиш» мухбири.**






*Эҳтиром*

**Саксонинчи йилларнинг бошида ТошДУнинг журналистика факультетига ўқишга қабул қилингач, кайфиятим чоғ ҳолда қишлоққа жўнадим. Уйдагилар хурсанд. Бу хушхабарни қариндошлардан биринчи бўлиб эшитган шаҳарда яшовчи Хосият аммам табриклагани келди. Хуллас, амма келди, ҳамма келди, деганларидек уйимиз хешақраболар билан тўлиб кетди. Аммам билан анча гурунглашдик.**

# МАҲМУД АКАНИНГ САБОҒИ

### Аммамнинг гурунглари

Китоб шаҳрининг қоқ марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги ўрта мактабда биз билан Маҳмуд деган бола ўқиган эди. У оғир-босиқ, отасиз етим ўсган. Маҳмуд жуда тиришқоқ, ҳамма фанлардан "аъло" баҳога ўқир, шунданми, барча ўқитувчи-мураббийларимиз унга эътиборли эди. Мактабимиз директори Хосият опа Қаҳҳорова уни ўғлидай кўрарди. Директоримизнинг турмуш ўртоғи Ибод ака Абдуллаев ҳам бир ўғлимиз Тошкентда



ишлайди, деб фахрланиб юрарди. Маҳмуд илк китобини чиқарганида биринчи бўлиб директоримизга берган экан, устозимизнинг шундай собиқ ўқувчиси борлигидан анча вақт ғурурланиб юргани ҳамон эсимда.

«Сен ҳам Тошкентга борганинг захоти Маҳмудни топ. Фамилияси Сатторов. Ҳойнаҳой, "Ўқитувчи" нашриётида ишласа керак. Уни этагидан маҳкам тутгин. Учрашганингда албатта, менинг номимдан салом айтишни унутма».

Собиқ синфдошлар ичида у жуда бошқача бола эди. Турмуш ишлари билан андармон бўлиб уни ҳалигача кўрганим йўқ. Мен Самарқанд давлат тиббиёт институтига, у эса ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетига ҳужжат топширган эди.

### Илк учрашув

Маҳмуд акани топиш қийин кечмади. Хосият аммам тасвирлаб берганидек, қорамағиздан келган, бўйчанроқ, қалин тим қора сочлари бир томонга чиройли таралган ўттиз беш ёшлар чамасидаги йигит билан танишдим. Столи устида машинкада ёзилган 300-400 саҳифали қандайдир бир дарсликни таҳрир қилаётган экан. Ишни бир зум тўхтатиб менга синчков назар ташлади-да, ҳол-аҳвол сўради. Бир оз ҳаяжон аралаш саволларига жавоб берган бўлдим. Хайрлашиб кетар чоғим Маҳмуд ака бир юз эллик саҳифа атрофида бўлган қўлёзмани тутқазиб:

— Буни сенга ички рецензия учун беряпман, нашриёт режасига киритилган, яқин кунлар ичида китоб ҳолида чоп этилиши керак. Ўқиб чиққач, муносабатингни қоғозга тушириб келсанг яхши бўларди, деди. Рецензия нималигини тушунмаганимни айтганимда: "Бу тақриз дегани, соддароқ қилиб айтганда муносабат, дейиш мумкин», — деди.

Қўлимдаги папкани уйга келиб очиб қарасам, педагогика фанлари номзоди (ҳозир педагогика фанлари доктори, профессор) Санобар Нишонованинг қўлёзмаси. Яхши ёзилган экан, мириқиб ўқиб чиқдим. Фақат бир жойи ишонарсиз, воқеа-ҳодисалар бир-бири билан унчалик боғланмагани ҳақида озгина "танқидий" муносабат билдириб, икки ярим қоғоз тақриз ёздим ва бир ҳафта ўтиб нашриётга олиб бордим. Икки ойча вақт ўтиб, почтадан хабарнома келди. Кейин билсам, нашриёт томонидан берилган ўн тўрт сўм эллик тийинлик "гонорар" экан. Шу-шу Маҳмуд ака билан анча иноқ бўлиб кетдик. Ана шу воқеаларга ҳам чорак аср ўтибди. Унинг дастхати битилган ўнга яқин тўплам ҳозир китоб жавонимни безаб турибди.

Бу орада Маҳмуд Сатторовни анча кашф қилдим, десам муболаға бўлмас. "Ўзбекнинг гапи қизиқ", "Ўзбек удумлари" номли миллатимиз менталитетига хос бўлган, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ўз аксини топган бу китоблар аллақачон ўз ўқувчисини топиб улгурган. Мен ўқиган мактаб директори ҳам "Ўзбек удумлари" китобини ўқиган экан, ҳайратини яширолмади: "Қирқ йилга яқин педагоглик қилиб, саксон ёшга яқинлашиб қолибману удумларимизнинг теран томирлари бунчалик чуқур эканлигини билмас эканман. Миллий қадриятларимиз, бетакрор удумларимизнинг боқий фалсафаси, узоқ тарихи-ю, заминида бунчалик катта маънавий-ахлоқий унсурлар бисёр эканлигини шу китобни ўқигач, англаб етдим".

### Ҳавас қилса арзигулик

Кези келганда Маҳмуд Сатторовнинг ўзига хос бир "қусур"и ҳақида айтиб ўтмоқ жоиз, деб ўйлайман. Унинг камгаплиги, ижодга нисбатан анча "хасис" инсон эканлигини қисқа суҳбатидан, ёзган тақриз ва мақолаларидан ҳам сезиш қийин эмас. "Йигирма қоғозда айтиш мумкин бўлган материални иккиуч қоғозга ҳам сиғдирса бўлади",— деган эди қайси бир суҳбатида. Шубҳасиз, бунга у кишининг ўзи ҳам амал қилади. Оз ва соз ёзади. Олим, ёзувчи, шоирлар, санъат ва маданият арбоблари ҳақида ёзган ихчам материалларида бу ҳолни кўп кузатганман.

Маҳмуд ака илмга чанқоқ олим – ижодкор эмасми, ўғил ва қизларини ҳам билимли, ўқимишли қилиб тарбиялади. Ўқитувчи, иқтисодчи, ҳуқуқшунос. Ҳаммаси бола-чақали, уйли-жойли. Кенжа қизи икки йил бурун юридик фани бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган эди. Айни пайтда докторлик дессертацияси устида изланиш олиб боряпти.

Дастлабки иш фаолиятини ўзи ўқиган мактабда ўқитувчиликдан бошлаган Маҳмуд ака тўрт йил ўтиб, Тошкентга қайтиб келди. «Ўқитувчи» нашриётида анча йил ишлади. Бу орада филология фанлари номзоди илмий унвонига эга бўлди. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабаларига сабоқ берди. Мана, салкам етти йилдирки, "Адолат" нашриёти директори лавозимида хизмат қилмоқда.

Фахр билан айтиш мумкинки, ўзбек зиёлилари ичида олим, мураббий, публицист, ношир Маҳмуд Сатторовнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

**Азамат СУЮНОВ.**

*Илҳом лаҳзалари*



# КЎНГИЛ ҲУБОБ БЎЛИБ ЕТДИ ОСМОНГА...

**Нилуфар Қурбонова иқтидорли ёшларимиздан бири. Табиат унга ўзига хос эҳтиросли туйғуларни ато этган. Шеърларини ўқиб шунга амин бўлдикки, юртимизда яна битта истеъдод вояга етмоқда. Бундан беҳад хурсанд бўлдик.**

**Ҳозирги кунда у ЎзМТДП Хоразм вилояти Гурлан туман кенгашида фаолият юритмоқда.**

**Назм гулшанидаги илк қадаминг қутлуғ бўлсин, Нилуфар!**

## ВАТАН

*Ахтардим жонимга фидолар,*
*Қақраган дилимга адолар,*
*Мудраган тилимга нидолар.*
*Топганим сен бўлдинг, жон Ватан,*
*Адо ҳам, нидо ҳам, фидо тан.*

*Изладим меҳрни кўзлардан,*
*Дардимга давони сўзлардан,*
*Савобни оқ-ойдин юзлардан,*
*Топганим сен бўлдинг, жон Ватан,*
*Даво ҳам, меҳр-ла савоб ҳам.*

*Истадим Тангридан ҳурликни,*
*Пойим-да жойим ҳам дурликни,*
*Зўр ишқни, бир бахтни, ўзликни.*
*Бергани сен бўлдинг, жон Ватан,*
*Бахтим ҳам, тахтим ҳам, ишқимсан.*

*Отамсан, онамсан, ўзимсан,*
*Келарим сенсан, сен борарим ҳам,*
*Мени чин фарзандим дегайсан,*
*Шу сўзга берурман жону тан.*

* * *

*Меҳр дарёсига отдим кўнглимни,*
*Оқизиб, уммонга етказди дамда.*
*Уммондан кўк томон йўғрилган ҳубоб,*
*Кўнгил ҳубоб бўлиб етди осмонга.*

*Осмонда яйради, ўйнади, кезди,*
*Юлдузлар нуридан жилоланди у.*
*Ойнинг қизи бўлди, қуёшнинг ўғли,*
*Сўнг булут меҳридан сармаст бўлди-ю*
*Сув бўлиб тўкилди ерга бир пасда...*

## ОНАМГА

Она,
Бир кунингга яроқсиз гўлман,
Хатоларга тортилган йўлман,
Ҳатто янтоқ ўсмаган чўлман,
Орлан мендек боланг боридан.

Сен ёқасан, ўчаман тутаб,
Сийпалайсан, кетаман силтаб,
Айт, менмидим олганинг тилаб,
Орлан мендек боланг боридан.

Кеча кўзларингда ёш кўрдим ногоҳ,
Бироқ бўлолмадим бир онча паноҳ,
Асли ҳар дардингга сабаб мен гумроҳ,
Орлан мендек боланг боридан.

Қара, қор қамраган сочингга қара,
Юзинг сўлган лола, дилингда яра,
Қара, мен кўряпман буларни, қара,
Орлан кўзи сўқир боланг боридан.

Тангрим, бахтим баҳридан ўтгин,
Шодликларинг керакмас менга.
Онам бир бор жилмаймаса гар,
Айтгин, нега яшайин, нега?!

## БАҲОРИМ, ҚАЙТГИН...

Ун энди майса, бойчечак очил,
Дарахтлар, куртак оч, шодликлар сочил.
Ғуссалар ўлсин, дард синсин чил-чил,
Баҳорим, қайтгин...

Кел энди қалдирғоч, келгин булбулим,
Келақол зўр бахтдан безанган куним.
Кўнглимни тоабад этгали қўним,
Баҳорим, қайтгин...

Чучваралар қайна, сумалак қайна,
Ялпизлар, райҳонлар, боғимда ўйна.
Бир ўйна, шўх ўйна, армонинг қўйма,
Баҳорим, қайтгин...

Сен келсанг, мен қайта ғусса кўрмайман,
Бахтга аза очиб, қора киймайман.
Ишон, абад келсанг – абад ўлмайман,
Баҳорим, қайтгин...

Она ер бағрига ўзинг қўйиб бош,
Хун босган оламга ифорингни соч.
Менинг дунёмга ўзга дунё оч,
Баҳорим, қайтгин...

**Нилуфар ҚУРБОНОВА.**

# «ШАКАРПАЛАК»

*Ҳаётий ҳангомалар*

**Бу қишлоқда лақабсиз одамнинг ўзи йўқ. Баъзиларини юмшатиброқ айтишади. Масалан, арзимаган нарсага «пов» этиб кетадиган бақалоқ Салим сариқни «шакарпалак» деб эркалатишади.**

Анча етилиб қолган Салим Қаҳҳоров ярим тунда тўғри новвойхонага келди. Бир оз мизғимоқчи эди, ҳадеганда уйқу савил келавермади. У қопдаги унни хампага бўшатгач, тўйхонадан эплаштирган «дармон дори»ни очиб, сопол косага қуйди ва ҳафсала билан симирди.

Салим новвой хампадаги унни қоргани сайин «Шамшод шароби» ўз кучини кўрсатиб, калта оёқлари хангилачўп бўлиб, қисқа қўлларини ёпишқоқ хамирдан зўр-базўр суғуриб оларди. У хамирни олд томонга тортмоқчи бўлиб тирсакларига таянганида, оёғи кўтарилиб ўмгани билан хампага муккасидан санчилди. Ияги хамирга ботиб бораётган Салим кайф зўриданми ёки қўрқувданми: «Қўйиб юбор, аҳмоқ, қўйиб юборсанг-чи», — деб типирчиларди.

Новвойхона томондан чиқаётган ташвишли овоздан ҳушёр тортган Маматкарим қоровул милтиқни кўтариб панжарадан ошиб ўтди. Деразанинг синиқ ойнасидан бешотарни дўлайиб: «Қўлингни кўтар!» — деди. Ичкаридан Салимнинг ҳирқираб сўкинган овозидан ўзга сас эшитилмади. Маматкарим тоға ойнакдан синчиклаб қараса, қўл ўрнига иккита оёқ шифтга кўтарилиб турарди. Дарҳол эшикни очди. Ўзи билан ўзи олишиб, сўкиниб ётган «Шакарпалак»ни белидан базўр тортиб чиқаргач, бетига сув урди. Ўзига келган Салим халоскорига илтижоли боқиб ҳиқичоқ аралаш: «Раҳмат, ҳиқ, сиз бўлмасангиз, ҳиқ...» — деб жағидаги хамирни сидирарди.

— Хурмачангга яраша ичмайсанми, аҳмоқ!..

— Тоға, илтимос, ҳиқ, Али қизиқ эшитмасин, ҳийқ... Юз йил эрмак қилади-я. Ҳийқ...

— Хотиржам бўл, оғзим маҳкам, — Маматкарим қоровул зарда билан ташқарига йўналди.

**Турсунбой АДАШБОЕВ.**

**Наврўзи олам Оҳангарон туманининг Телов қишлоғида ҳам катта тантана қилинмоқда. Бепоён кенгликлар, қир-адирлар бағрини тўлдирган одамлар қиёфасида тантилик, жўмардлик, меҳнатсеварлик каби олижаноб фазилатлар намоён.**

# ОҲАНГАРОНДА НАВРЎЗ ТАНТАНАЛАРИ

Бугун дошқозонларда қайнаётган Наврўз таомлари — сумалак, ҳалимлар, кўк сомса, қатлама-ю чалпаклар тўкин дастурхонимизнинг азиз неъматларидир. Бир томонда дорбозлар, чавандозу паҳлавонлар, спортсевар ёш йигит-қизлар, ҳофизу хонандалар, бахшию ўланчилар, либослари ўзига ярашган келинчаклар, арғумоқ минган куёвтўралар, ёр-ёр айтган янгалар... Хуллас, айтсанг адо бўлмайдиган ажиб манзара... Карнай-сурнай, ноғора садолари остида саҳнага кўтарилган санъаткорларнинг чиқишлари, дорбоз ўйинлари ёш-қарини бениҳоя қувонч, шодликларга ошно этади.

Чиллак, кураш, қиз қувди, от пойгаси, варрак учириш, тош кўтариш каби халқ ўйинларида мароқ билан иштирок этаётган кекса-ю ёш, йигит-қизлар, болакайларнинг қувончи чексиз.

— Менинг варрагим энг баландга кўтарилди, биринчи ўрин-



ни олдим, — дейди қишлоқдаги 3-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Иззат Турдиалиев. — Наврўз байрамини ҳар йили интиқлик билан кутаман. Кунлар иссиқ, ҳаммаёқ кўм-кўк... Далада варрак учиришни яхши кўраман. Осмонда учиб юрган варрак худди тинчлик элчиси, беозор қушга ўхшайди...

– Мен кураш бўйича мусобақаларда қатнашдим, — дейди оҳангаронлик талаба Бунёд Назаров. — Ҳар йили байрамларда, айниқса, Наврўз тантаналаридаги мусобақаларда қатнашишни яхши кўраман. Ўзим Тошкент темирйўл муҳандислик институтида ўқийман. Енгил атлетика мусобақаларида ҳам қатнашиб, икки марта медаль олганман. «Жар» спорт мажмуасидаги тўгарак аъзосиман.

Тошкент вилоятининг деярли барча туман ва шаҳарлари — Ангрен, Оҳангарон, Пскент, Паркент, Оққўрғон, Олмалиқ, Янгийўл, Бўстонлиқдан келган фольклор-этнографик жамоаларининг чиқишлари Наврўз тантаналарига алоҳида кўрк, кўтаринки руҳ бағишлади.

Элимизнинг мангу барҳаёт удумларини тараннум этувчи Наврўз шодиёналари бир неча кун давом этади.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**
**Азамат АҲМАД олган сурат.**

**Тошкент Давлат университети томонидан Алмуродов Шокиржон Жумаевичга 02.08.1988 йилда журналистика факультетини тугатганлиги ҳақида берилган ПВ № 827699 серияли, 25142 рақами билан рўйхатга олинган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

# ХЕОПС ПИРАМИДАСИ — ЕЧИМСИЗ ЖУМБОҚ

*Ўқинг, қизиқ!*

**Инсоният тарихи сиру синоатларга бой. Тарихий обидалар борки, улар ҳануз кишилар учун жумбоқлигича қолмоқда. Шундай иншоотлардан бири Хеопс пирамидасидир.**

Хеопс пирамидаси ҳар бири 3 тонналик (баъзилари ундан ҳам оғир) 2 600 000 тош блокдан иборат. Геродотнинг ёзишича, ўша пайтдаги қуроллар ва платформалар ёрдамида бир кунда тахминан 10 блокдан ташиб келтирилган бўлса, Хеопс пирамидасини бунёд этиш учун қурувчилар 260 000 кун, яъни 712 йил тер тўкишган. Фиръавн хонаси деб номланган уйнинг тепаси 500 километр узоқликдан келтирилган қизил гранит тошлардан тайёрланган оғир блоклардан ишланган. Пирамидалар қурилишининг жумбоқлари кўп. Масалан, қурувчилар тошларни бир-бирига қандай жипслаштиришган? Оғир блокларни узоқ масофадан қандай воситалар ёрдамида келтиришган? Саволлар кўп, лекин ҳамон жавоб йўқ. Улар беш минг йилдан буён ечимини кутмоқда.

Қадимий араб ривоятларида пирамидалар қурилиши бошланган пайтда ернинг тортишиш кучи анча пасайиб, юкни енгиллаштирадиган қуроллардан фойдаланилган дейилади. Хўп, улар антигравитация асбоблари бўлиши мумкин, лекин улар қаердан олиб келинди? Улардан қандай фойдаланилди? Бу саволларга аниқ жавоб топиш учун ҳам пирамидаларнинг ёшини билмоқ лозим.

Қадимги араб ҳужжатларининг бирида пирамиданинг «...сув тошқинидан 300 йил аввал қурилган»лиги ёзилган. Бу бизнинг давримиздан 8-10 минг йиллар аввал дегани.

Пирамиданинг шарқ томонида кун системаси тўғрисида, юлдузларнинг жойлашуви, ўтган давр воқеалари ҳамда келажакда Мисрда бўладиган эътиборли ўзгаришлар ҳақида маълумот берувчи суратлар тошга ўйиб солинган...

Бу ҳақда XII асрда яшаган араб тарихчиси Абу Саид шундай ёзади: «Тош пирамидадаги белгилар сири шу кунга қадар аниқлангани йўқ. Мен Мисрда уларни биладиган кишини топмадим. Икки пирамидада ёзувлар шундай кўпки, уларни хатга кўчирилса 6000 саҳифалик ёзув бўларди...»



Дунёни икки ярим шарга бўлиб турадиган чизиқлар ўртасида жойлашганлиги аниқланган мазкур пирамидалар қабр сифатида ҳам қурилган бўлиши мумкин. Бироқ фиръавнлар қабрлари баланд тошлар орасида ёки ер остида бўлганлиги маълум. Пирамидалар эса ер юзидан 150 метр баландликка кўтарилган ҳамда унинг узун айлана даҳлизлари бўлган. Шунингдек, подшо ва подшо аёлининг хоналари деб аталадиган жойлар ташқаридан тоза ҳаво кириб турадиган қилиб ишлангани улар қабр сифатида қурилган деган фикрга тўғри келмайди.

Космос нурлари ёрдамида пирамидалар сирини ўрганиш ишларига бошчилик қилган доктор Амр Гхеднинг айтишича, пирамиданинг ичида табиат қонунларига қарши, ҳеч ким сирини билмайдиган номаълум тилсим куч бор. Бу фикрларнинг барчасига мисрликларнинг «Дунёдаги барча вақтдан қўрқади, вақт эса пирамидалардан қўрқади», деган мақоли хулоса бўлади.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ИЖТИМОИЙ СИЁСИЙ ГАЗЕТА MILLIY TIKLANISH

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ⓡ - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 223.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди — 23.30